

## ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИК



**Холида ИМАМОВА**  
катта илмий ходим-изланувчи  
Тошкент давлат шарқшунослик институти  
*imat\_mihammad@mail.ru*

### КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ ҲУРМАТ КАТЕГОРИЯСИ КОНТЕКСТИДА (қиёсий аспектда)

Ушбу мақолада турк ва ўзбек тилларида ҳурмат категориясини ифодаловчи кишилик олмошлари қиёсий тадқиқ этилган. Уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланган. Ҳурмат категориясига оид олмошлар орқали кишиларнинг дунёқараши, маданияти ва ижтимоий анъаналарнинг акс эттирилиши кўрсатиб берилган. Қардош тиллар мисолида нутқ маданияти шакллари ўрганилган.

Данная статья посвящается сравнительному исследованию личных местоимений для выражения категории вежливости в турецком и узбекском языках. В ней отмечаются сходства и различия. Через слова категории вежливости передаются мировоззрение людей, культура и социальные традиции. В родственных языках исследуются языковые формы культуры речи.

The present article considers of the comparative study of the personal pronounces in Turkish and Uzbek languages in contexts of politeness. Common and difference in pointed out there. Through the speech of respect to be reflected in people's worldview, culture and social traditions reflects. Fraternal culture teaches the forms of speech in the language.

**Калит сўзлар:** ҳурмат, кишилик олмоши, турктили, ўзбек тили, қиёсий аспект.

**Ключевые слова:** личное местоимение, категория вежливости, сравнительное исследование, турецкий и узбекский языки.

**Key words:** category of politeness, the comparative study, personal pronounce, Turkish and Uzbek languages.

Бир бутун система хисобланган ҳурмат категорияси кишилар орасидаги ўзаро мулоқот муносабатларини лингвистик ва нолингвистик формалардаўз ичига олади. Лингвистик ва нолингвистик формалардаги ҳурмат, эҳтиром фақатгина кичикларнинг катталарга, жамиятдаги ўрни,

мансиби юқори бўлган кишиларгагина муносабати бўлиб қолмасдан, катталарнинг кичикларга, жамиятдаги ўрни ёки мансиби ўзидан қуи шахсларга муносабатини ҳам акс эттиради. Шунинг учун ҳурмат категориясини ўрганиш – тилшунослик, маданият, тарих ва жамиятни биргаликда тадқиқ этиш ҳисобланади.

Бу муносабатлар лингвистик, паралингвистик формаларда юзага келади. Ана шу формалар ўз ичидаги яна муайян хусусиятига кўра бўлимларга ажralади. Лингвистик формадаги ҳурмат деганда морфологик, лексик ва синтактик-стилистик шакллар назарда тутилади.

Мазкур тадқиқоттурк тилида ҳурмат категориясининг морфологик усулда ифодаланишига бағишиланган. Турк ва ўзбек тилларида ҳурматнинг ифодаланишида морфологик хусусиятлар асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Сўз туркумлари ичидан ўрин олган олмошларнинг ҳурматни ифодалашдаги аҳамияти юқори саналади.

Турк ва ўзбек тилларида олмошлар мустақил маъноли сўзлар каби шахс, предмет, белги ёки миқдорни билдиримайди. Аммоулар ўрнида ишора қилиш йўли орқали қўлланилади(6, 262 — 263;12, 332). Бошқача қилиб айтганда, олмошлар дейктик(дейктик сўзи <лотинча deictic “кўрсатувчи”, deictis“кўрсатиш”дан келиб чиқсан) вазифани(1, 227) ўтайди. Бу сўз туркуми барча тилларда мавжуд бўлиб – тил универсалиясисаналади.

Турква ўзбек тилшуносликларида асосий манбаларда олмошлар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра турларга ажратилган. Таниқли турк тилшуноси М.Эргин уларни олтига ажратади. Бошқа турк тилшуносларидан Т.Бангуюғли унга эгалик олмошини ҳам қўшиб еттитага ажратса, Т.Генжан бешга ажратиб, ўзлик олмошини кишилик олмошларнинг ичига киритади. Таниқли рус туркшуноси А.Кононов ҳам олмошларни олтига бўлиб тасниф қиласи(6, 262-280;4, 214-228;7, 57-67;2, 356-371). Демак, турк тилида олмошларнинг бўлиниши бўйича тилшунослар орасида турли қарашлар мавжуд.

Ўзбек тилшунослигида эса олмошлар олтига ажратилади(12, 335;11, 293;8, 227 — 231). Турк тилшуносларидан фарқли равишда ўзбек тилшунослари орасида олмошларнинг таснифида яқдиллик кузатилади.

Турк ва ўзбек тилининг назарий грамматикаларида, турк ва ўзбек тили бўйича яратилган илмий асарларда ҳурматнинг олмошлар ёрдамида берилиши, унинг нутқда ифодаланиши тўғрисида фикрлар айтилган(6, 262 — 280;4, 216;2, 356 — 371;3, 230;13, 37). Бироқ туркшуносликда ушбу масала қиёсий аспектда тадқиқ этилмаган.

Турк ва ўзбек тилларида олмошларни ҳурмат категориясида қиёсий аспектда ўрганиш бир оиласи мансуб икки тилнинг бу категориядаги ўзига

хос ўхшаш ва фарқли хусусиятларини ёритиш имконини беради. Ҳурмат категориясининг олмошларда акс этишини тадқик қилишнинг икки муҳим жиҳатини кузатиш мумкин: а) назарий ; б) амалий.

Назарий жиҳати – икки қардош тилда олмош сўз туркумининг қандай акс этишини, категориал ва функционал томонларини ўрганишдан иборат бўлади. Амалий жиҳатдан эса, бир сўз туркумининг икки тилдаги тафовутли томонларини фарқлашга хизмат қиласди. Яъни, турк тилини ўзлаштиришда ўзбек тилининг таъсиридан сақланиш имкониятини яратади.

Бадиий асар, оғзаки нутқ мисолларидан тўпланган материаллар шуни кўрсатмоқдаки, турк ва ўзбек тилларида ҳурмат олмошларнинг турлари ичida асосан кишилик, ўзлик ва сўроқ олмошларida акс этади.

Кишилик олмошлари шахслар *ben, sen, o, biz, siz, onlar* ‘мен, сен, у, биз, сиз, улар’ни билдиради. Тўпланган аутентик материаллар таҳлилига қўра, турк тилида кишилик олмошлари ёрдамида ифодаланувчи ҳурмат фақат соғишилик олмошлари *ben, sen, biz, siz* ‘мен, сен, биз, сиз’да учрайди. Кишилик-кўрсатиш олмошларио, *onlar* ‘у, улар’да ҳурмат ифодаланмайди. Ўзбек тилида эса, кишилик олмошларининг барчасида ҳурмат ифодаланади. Бу турк ва ўзбек тилларининг ўзига хос фарқли хусусиятидир.

Ҳурматни билдирувчи кишилик олмошларининг қўлланилишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Олмошлар шахсларни ифодалаганда, шахслар ўз маъносидан ташқарида кўчган ҳолда ифодаланади. Бу шаклда ҳурмат ифодаланишида асосан бирлик учун қўлланиладиган олмошлар кўплик учун ишлатилади. Бу шаклга *шахсларнинг кўчиши ёрдамида ҳурмат ифодаланиши* дейиш мумкин. Тилшунос Ш.Сафаров шахс кўчишини *вазифавий кўчиши* деб номлайди(9, 210).

Ҳурмат категориясига қўра турк ва ўзбек тилида *ben* ‘мен’ кишилик олмоши *biz* ‘biz’ ‘биз’ кўпликка ва *sen* ‘сен’ кишилик олмоши *siz* ‘сиз’ кўпликка кўчиш кузатилади. Сўзловчи тингловчидан ёки сўз юритаётган кишидан, унга нисбатан ҳурмат кўрсатиш мақсадида ўзини бир поғона пастда тутиб гапириш, камтарлик орқали ўзини кичик олиш баъзан эса, ўзини катта олиб, тепадан қараш маънолари кузатилади.

Демак, турк ва ўзбек тилларидаве *ben* кишилик олмоши ўрнида шахс кўчиши билан қўлланиладиган *biz* олмошининг вазифасида *ҳурмат* ва *хурматсизлик* оппозиция ҳолати мавжуд. Оппозицияли хусусият фонетик (оҳанг, урғу) воситалар орқали фарқланади.

II шахс, бирликни кўрсатувчи *sen* (сен) кишилик олмошининг қўлланилишида икки муҳим жиҳат кўзга ташланади: а) энг яқин, азиз кишиларига мурожаат; б) бегона кишиларга мурожаат. Яъни, *sen* олмошининг қўлланилишида экстралингвистик омилларнинг аҳамияти катта.

Турк тилида сўзловчи учун энг яқин, азиз кишиларига мурожаатда доимо *senolmoishi* ишлатилади. Туркларда ота-онасини, оиласдаги катталарни, қариндош-уруғни, ўзи учун азиз билган кишиларини ҳар доим *senlab* гапирилади. Бу уларда ҳурматсизлик эмас, аксинча, ўзига хос ҳурматнинг белгисидир.

- *Şuraya biraz oturabilir miyiz, Feride? dedi.*
- *Sen, nasıl istersen, dedim.*

*Vakadan sonra ilk defa sen diyordum*(5, 93).

Шу ерда бироз ўтирамизми, Фарида? – деди.

- Сен ҳоҳласанг (сен маъқул кўрсанг), майли (шундай бўлсин), – дедим.

Унаштириш маросимидан кейин илк маротаба **сен** деяётган эдим’.

Бу сұхбат янги унаштирилган ёшлар орасида бормоқда. Қызы йигитни унаштириш маросимидан кейин биринчи маротаба ўзига тааллуқли киши сифатида алоҳида ҳурмат кўрсатиб, *senlab* гапираёттир.

Юқоридаги аутентик матнда қызы, йигитта унаштириш маросимидан сўнг ўзига қадрдан, боғлиқ инсон сифатида алоҳида аҳамият билан ҳурмат кўрсатаётганини ургуламоқда. Шунинг билан бирга турк тилидаги *sen bilirsin* (ёкисиз *bilirsiniz*)‘қандай маъқул кўрсанг(из) шундай қил(инг)’ тасдиқ маъносидаги лексик бирликни саволга мос тарзда ўзгартириб жавобда *sen, nasıl isterseni* сифатида *senolmoishi*га алоҳида урғу бериб қўлламоқда.

Худди шундай ҳодиса Ўзбекистоннинг баъзи вилоят ва туманларида ҳам учрайди. Турли вилоятвакиллари, жумладан, Хоразмда, Андижоннинг Шахрихон, Яйпан туманларида эр-хотин, қариндош-уруғ орасида *senlab* гапириш одати борлигини айтишади. Аммо, ўзбек адабий тилида *сен* деганда ҳурмат маъноси кузатилмайди. Бу сўзда ҳурматсизлик кучли бўлганлигидан кишилар орасидаги баҳс ёки келишмовчиликда “*сенсирама*” яъни “*ҳурматсизлик қилма*” дейилади.

Демак, йигилган материаллар таҳлили турк тилидаги *senolmoishi*да бошқа туркий тиллардан фарқли равишда ўзига хос ҳурмат мавжудлигини кўрсатади. Бу ҳурматга яқинлик ва самимийлик орқали эришилади.

Агар яқин, азиз бўлмаган бутунлай бегона кишига *senolmoishi* ишлатилса, кўполлик, менсимаслик, ҳурматсизлик кўрсатилган саналади. Таҳлилдан маълум бўлганидек, II шахс бирликни кўрсатувчи *sen* олмоши экстраграфистик (вазият, ёш, ижтимоий аҳволи) омилга кўра функциясида оппозицияли ҳурмат ва ҳурматсизлик ҳолатини келтириб чиқаради.

Турк ва ўзбек тилларида функционал жиҳатдан *siz* кишилик олмоши *siz* кўплика кўчиши кўп учрайдиган ҳолатdir. Мана шу ҳолатда ҳурматнинг ифодаланиши тилшуносликда барчага яхши маълум.

- *Hanım kızım, siz bu güzelliğinizle, bu meziyetinizle pek iyi bir yere gelin olabilirsiniz...*
- *Sizi iyice bir ailenin iyice bir çocuğu için isteseler ne dersiniz?* (5,s.277)
- ‘Опоқ қизим, сиз бу ҳуснингиз, бу малоҳатингиз билан жуда яхши бир жойга келин бўлишингиз мумкин...—Сизни яхши бир оиланинг жуда яхши фарзанди учун сўрашса нима дейсиз?’.

Ижтимоий аҳволи юқори бўлган мартабали, олийнасаб, ёши улуғ аёл фарзанди тенги ёш қизга ҳурмат юзасидан *сизлаб* мурожаат этмоқда. Мисолимизда тасвирланаётган ҳурмат муносабатини прагматик нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳолаш мумкин. Прагматик таҳлилга кўра нутқ акти уч босқичли ҳаракатдан иборат эканлиги маълум: *локутив*, *иллокутив*, *перлокутив*(9, 81–82). Учинчи босқич *перлокутив*, сўзловчининг тингловчи онгига, ҳис-туйғуларига ва хатти-ҳаракатига таъсир ўтказишдан иборат. Сўзловчи тингловчига *изолмоши* орқали ҳурмат кўрсатиб ижобий жавоб кутмаяпти. Балки, ўзининг ҳоҳишини тингловчига сингдиришга уринмоқда

Туркларда ота-она, оиласадаги катталар, қариндошлар – ўзи учун жуда азиз билган кишиларгасизлаб гапирилмайди. Агар сўзловчи яқин кишиларгасизлаб гапирса, киноя, кесатиқ маъносида тушунилади. Шу жиҳатдан турк тилида бу қўлланилиш ўринда *siz=sen* олмошлари зид маънолидир. Ўзбек тилида бу, бутунлай аксинча.

Демак, функционал жиҳатдан турк тилидаги кўплик Шахс *siz* олмошининг қўлланишидаҳам оппозицияли – ҳурмат ва ҳурматсизлик ҳолатларини кузатамиз. Ўзбек тилида эса бундай эмас.

Олмошлар хусусидаги яна бир жиҳат, турк тилидаги кишилик-кўрсатиш олмоши бўлган III шахс бирлик *o(y)вакўплик onlar*(улар) олмошларининг ўзида ёки уларга шахс кўчиши ёрдамида ҳурмат умуман ифодаланмайди. Ўзбек тилида аксинча, III шахс бирлик у ва кўплик *улар* олмошларида ўзига хос ҳурмат кузатилади. III шахс бирлик олмоши у ҳурмат ифодалаганда кўплик *улар* олмошига кўчади. *Киши* сўзи билан бирга қўлланилган у олмошишилик олмоши эмас, кўрсатиш олмошиусаналиб, у *киши* тарзида ифодаланади. Ўзбек тилидаги бу шаклда ҳурмат асосан турмуш ўртоғига, ота-онасига, ёши улуғ ёки мартабаси юқори кишиларга нисбатан исми, лавозими таъкидланмасдан қўлланилади.

- *Аҳмад ака уйда(лар)ми(лар)?*

– Улар (Укиши) уйда эмас (йўқлар).

Турк тилида кишилик-кўрсатишни билдирувчи III шахс, бирлик ва кўплик саналувчи *o(y)vaonlar*(улар) олмошини ифодаловчи лексик бирликлар ёрдамида ҳурмат ифодаланмайди. Аммо III шахс, бирлик ва кўплик олмошини кўрсатувчи *kendi* ўзлик олмошининг *o(y)* = *kendi*, *kendisi* *vaonlar*(улар) = *kendileri* грамматик формалари орқали ўзига хос ҳурмат билдирилади.

Турк тилида барча кишилик олмошлари ўрнида қўлланиладиган ва фақат III шахснинг бирлик ва кўплигига ҳурмат маъносини ифодалайдиган олмош *kendi* ўз саналади. Бу олмош турк тилшунослигида *dönüslü zamir* (*adıl*) деб номланса, ўзбек тилшунослигида ўзлик олмоши дейилади. Турк тилида *kendi=kendisi=o*, *kendileri=onlar* шаклида баъзан ҳурмат туйғуси билан назарда тутилган у ва *улар* олмошлар ўрнида ишлатилади: ***Kendileri evde yoklar mi?***(10, 834—835) ‘Ўзлари уйда йўқмилар?’.

Ўзбек тилида ўзлик олмошида ҳурмат маъноси ўзлари сўзида яширинган. Сўзлашувда, сўрашаётганда ёши катта кишининг кичик ёшдаги кишига мурожаатида қуидаги шаклда учрайди:

– Қалай, ўзлари яхшиимилар? Ёки:

– Қани, ўзларидан бўлсин!

Ўзбек тилида ўзлари олмоши *улар* олмошининг синоними сифатида қўлланса-да, юқоридаги мисолимизда *сиз* олмошининг вазифасини бажармоқда. Шу сабабли, ҳурмат маъноси юзага чиқсан. Агар мисолимиздаги ўзлик олмошларининг ўрнини *сиз* билан алмаштириб, қайта кўриб чиқсан ҳам маънода фарқ кузатилмайди. Ҳар иккисида ҳам ҳурмат бир шаклда, бир ўлчовда сақланади. Турк тилидаги ўзлик олмошида ҳурмат маъноси ўзига хос. Унда ҳам *kendi=kendisi=o*, *kendileri=onlar* олмошлари синоним сифатида ишлатилса-да, олмошлар ўрин алмашганда, маъно бутунлай ўзгариб кетади.

Демак, турк ва ўзбек тилидаги олмош сўз туркумida кишилик олмошларининг ҳурмат ифодалашда ўзига хос ўхшаш ва фарқли хусусиятлари мавжуд. Турк тилида соф кишилик олмошлари ёрдамида ҳурмат барча шахсларда: *ben*, *sen*, *biz*, *siz* ‘мен, сен, биз, сиз’да учрайди. Аммо, кишилик-кўрсатиш олмошлари: *o*, *onlar* ‘у, улар’да ҳурмат ифодаланмайди. Бу турк тилининг ўзига хос хусусиятларидандир. Ўзбек тилида эса соф кишилик ва кишилик-кўрсатиш олмошларининг барчасида ҳурмат ифодаланиши кузатилади.

Юқорида қайд этилган олмошларининг, *ben=biz* олмошидан ташқари, барчасида сўзловчи сўз юритаётган кишисини ўзидан юқори кўтариб ҳурмат билдиради. Кўплик ва бирлик биринчи шахс *ben=biz* олмошларида эса

хурмат сўзловчининг тингловчига нисбатан камтарлик билан ўзини бир поғона *пастда тутиши* ёки *камтарлик кўрсатиши* орқали юзага чиқади. Бу миллат вакилларининг онгидаги “фрейм структура”да мавжуд бўлган миллий маданиятга хос қобиқ билан боғлиқ.

Турк тилида учсен, *siz* ва *biz* олмошлари қўлланилиш ўрнига кўра маънода оппозицияли – ҳурмат ва ҳурматсизлик хусусиятига эга. Ўзбек тилида эса бу ҳодиса фақат *biz* олмошида юзага келади.

II шахс, бирлик ва кўплик *sen*, *siz* олмошларининг оппозицияли ҳурмат ва ҳурматсизлик хусусияти экстралингвистик омилларда яққол кўзга ташланади. I шахс, кўплик *biz* олмошида эса, фонетик воситалар орқали оппозицияли ҳурмат ва ҳурматсизлик хусусияти фарқланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Москва, 1966. – 606 с.
2. Banguoğlu Tahsin. Türkçenin Grameri. Türk Tarih Kurumu Basım Evi. Ankara. 2. basılış, 1986. — 628 s.
3. Veysel K. Söz-Eylem Kuramı Açısından Türkçe’de ‘Sen-Siz’ Söylemi Üzerine Bir Alan Çalışması. Doktora Tezi. İstanbul, 1993. — 230 s.
4. Gencan T.N. Dilbilgisi. Fen Fakültesi (Döner Sermaye) Basımevi. İstanbul, 1971. — 502 s.
5. Güntekin R.N. Çalıkuşu. İnklab Kitabevi, İstanbul, 1992. — 408 s.
6. Ergin M. Türk Dil Bilgisi. Bayrak Basım/Yayım/Tanıtım. İstanbul, 2008. — 407 s.
7. Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого языка. – Л., 1934. – 267 с.
8. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили 1. – Тошкент: “Мумтоз сўз” нашриёти, 2010. — 292 б.
9. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 317 б.
10. Türkçe sözlük 2, K-Z. – Ankara, 1988. — 1679 б.
11. Шоабдурахманов Ш. ва б.қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.
12. Ўзбек тили грамматикаси 1, — Тошкент Фан нашрёти, 1975. – 607 б.
13. Ҳожиева Х. Кишилик олмошлари ва ҳурмат маъноси. //Ўзбек тили ва адабиёти — № 4, 2000 – Б. 37 — 38.